













1996 йил — Амир Темури йили

ТЭГИНАМА

Бобокалонимиз Амир Темурининг волидаи мухтарамалари руҳи покларига бағишланади.

Боҳарийнинг сабоғидан топдинг камол, Боҳарийнинг ардоғида очдинг жамол. Тегинамоҳ — Бухорининг гўзал қизи.

Боҳарийнинг қабоғида қулғич эдинг, Боҳарийнинг қароғида кўргич эдинг, Тегинамоҳ — Бухорининг гўзал қизи.

Темурбекдек ўғил кўриб қерилмадинг, Дунёларнинг ҳавасига берилмадинг, Тегинамоҳ — Бухорининг она қизи.

Кечир, сени эслашмади узоқ замон, Уғлинг бирла этиладинг-да қатагон, Тегинамоҳ — Бухорининг улуг қизи.

Биласанми, ўтган бўлса ҳам қанча вақт, Садоқатин сақлади эл дилида нақд, Тегинамоҳ — Бухорининг қутлуғ қизи.

Бунинг учун гина қилмоқ, арзир, беғим, Зарур жойдан гина қилмоқ, фарзир беғим, Тегинамоҳ — Бухорининг жонон қизи.

Азиз номинг яна элга қайтди бугун, Шараф-шонинг яна ошага байтидир бугун, Бухорининг юрт таниган жаҳон қизи.

Темурбекка она бўлмоқ осонмикин, Осонмикин жаҳонгирга она бўлмоқ, Шу ўғил-ла минг тирилиб, минг бор ўлмоқ, Осонмикин, осонмикин, Тегинамоҳ.

Болаликдан сизмади ул оламларга, Эркин кўнсаб чидалмади аламларга. Фақат эрдан сўз очди ул одамларга, Уғлинг ўзи жаҳонмикин, Тегинамоҳ.

Мўғла зулмиди чекиб бағриш этди айрон, Юрт зоридан озорланиб бўлди гарён. Ғанимларга қарши унда кўпирди қон, Уғлинг юртга қалқонмикин, Тегинамоҳ.

Мўғла ўчи бермади ҳеч ўғлингга тин, Мўғла ўчи чиқтирди ўғлинг кучин, Мўғла ўчи кечини унга бўлди қийин, Уғлинг элга дармонмикин, Тегинамоҳ.

Юрт эрки деб адолатга сизинди ул, Юрт бахти деб фароғатга сизинди ул, Юртга чин тиловат-ла сизинди ул, Олоҳдан ул фармонмикин, Тегинамоҳ.

Турк қавмини бирлаштириб яктан этди, Туркийларга иймонини ўзан этди. Турк элига Туркистонни ватаи этди, Уғлингми ул, армонмикин, Тегинамоҳ.

Темурбекка она бўлмоқ осонмикин, Осонмикин жаҳонгирга она бўлмоқ, Шу ўғил-ла минг тирилиб, минг бор ўлмоқ, Осонмикин, осонмикин, Тегинамоҳ.

Ҳар онанинг ўғил кўриш ҳаваси бор, Уғил туғиб савлат тўкиш ҳаваси бор, Эл наздида иззат кўриш ҳаваси бор, Сен ҳам ҳавас қилганмидинг, Тегинамоҳ.

Ҳар бир она ўғил билан қерилсан дер, Оқ сунт бериб меҳр билан термулсан дер, Суюб-суюб бошларидан эврилсан дер, Сен ҳам буни билганмидинг, Тегинамоҳ.

Тўй ниятин ўйламаган она йўқдир, Келин излаб бўйламаган она йўқдир, Шул орзусин қуйламаган она йўқдир, Сен ҳам шундай қуйлабмидинг, Тегинамоҳ.

Сочи тол-тол таянчигин, деганмидинг, Лабида бол суюнчигин, деганмидинг, Орқанда ҳол, сунчигин, деганмидинг, Сен ҳам шундай ўйлабмидинг, Тегинамоҳ.

Бу жаҳонда ўғил кўрган она биёр, Қай бир ўғил донг қозонган, Қайси дастёр, Қайси сўтак, қайси номард, хиёнаткор, Сен ҳам буни хўп биларсан, Тегинамоҳ.

Уғил кўрган оналар кўп, бу ҳам бежак, Уғил кўрган оналар хўп, бу ҳам бежак. Ва-лек айт-чи, борми яна сендан бўлак, Темурбекдек Амир туққан, Тегинамоҳ!

Охунжон САФАРОВ.



Ўзбекистон — Япония

Ҳозир Далварзинтепа деган сўз бутун жаҳонни кезиб юрипти. Аслида у катта йўл чеккасидаги бир тепалик. Илгарилари бу ерларга сув олиб келишнинг илжи бўлмаганлигидан қаровсиз қолган ва яйлов вази-фасини ўтарди.

ИККИ МИНГГА КИРГАН КИРГАН КИРГАН

60-йилларда кун сайин қорилиб бораётган экин майдонларини кенгайтириш ҳаракати бошланиб кетди. Бир бўла-лер Далварзинтепа агрофини сураётди жуда катта сопол зумта таяиб қолди. Тракторчи настра тушиб тупроққа қорилиб этан сон-санокчи ҳайкалчаларни кўради. Дарров кералик жойга хабар қилишди. Хабар айла-ниб-айланиб Денова ишбаётан илмий экспедиция қулгоғига етади. Бу гуруҳда кейинчалик ўзбекининг носири бўлиб етиш-ган Менгиз Сафаров, ҳозирги кунда фан номзоли даражасига етган Баҳодир Турғуновлар бор эди. Хуллас, узуқ-юлуқ ахборотнинг изидан Далварзинтепа вакиллари етиб келишди. Бульдозер тупроққа қорилириб ташлаган танта ва ҳайкалчалар,

уларнинг синиқлари археология фани учун ноёб топилиқлар эди. Аммо турли сабабларга кўра топилиқлар ўзлари сазовор бўлган кўргазмаларга бориб ет-мади. Зотан, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Хуллас, ана шу тафсилотдан сўнг ўша пайтларда ёш тадқиқотчи бўлган Баҳодир Турғунов Далварзинтепани кав-лаштира бошлади. Аввалгига иши унчалик юришмади. 1972 йили эса у катта миқдорда соф олтин буюм топиб олди. Ана шундан сўнг Далварзинтепа-нинг номи оламга ёйилди. Баҳодир ақанинг илмий ишла-ри ҳам тезлашиб кетди: вилот раҳбарлари Далварзинтепа қошида мутахассислар учун қўнақа кўриб беришар. Шун-дан кейин олим кўп топи-диклар топди, уларни устозла-ри билан ҳамкорликда халққа маълум қилди. Аммо Шўро сал-танати Далварзинтепани дунё-дан, дунёни Далварзинтепадан ажратиб турар эди. Саксоничи йилларнинг охирига келиб Баҳодир ака билан япон про-фессори Като жаноблари ўртаси-да илмий ҳамкорлик бошлан-ди. Профессор қирқ бешинчи йил Кванту армияси сафида СССРга қарши уришган, сўнг асир тушиб умрининг кўп йил-ларини Красноярск ўрмонлари-да ўтказган. Хрущевнинг катта афидан сўнг юртига қайтган, у Далварзинтепа қазилмалари учун жуда кўп маблаг ва куч сарфлаган, жаҳон илмий ноёб топилиқлар билан бойитди. Аслида бу икки ватанпарвар олимнинг танишуви ҳам тасо-

дифан бўлган. Халқро анжу-манда Баҳодир Турғунов топ-ган ҳайкалчалар намойиш қили-нади. Буни кўрган Като дарҳол ўз ҳисобидан Шўрчига — Дал-варзинтепага кетди. Кейинги йили ўзбек олимни Японияга — қазинма ишларида иштирок этиш учун таклиф қилди. Ке-лажакада ҳамкорлик тўғриси-да шартномалар имзоланди. Ана шундан сўнг япон олимла-ри Като жаноблари раҳбар-лигида Далварзинтепага гурус-гуррас кела бошлади. Улар бу ерга... ўзларини излаб кел-ган эдилар. Гап шундаки, Дал-варзинтепа... шаҳрида Будда дини эрамлидан олдинги 1 ар-да гуллаб-яшнаган, Японияга эса шундан кўп йиллардан кейин Будда дини борган эди. Будда Японияга наҳотки

Сурхондарёдан борган бўлса? Топилмалар ана шу ҳақиқатни тасдиқлади.

Профессор Като билан тузил-ган шартноманинг муддати бит-ган эса-да, кўнчиқар мамлакат-нинг олимлари ҳар йили Дал-варзинтепага келишди. Бу йил улар Подшоҳ қароргоҳини... очинди. Қазинма жуда сермаҳ-сўл бўлди. Ҳозир Далварзинтепа икки мамлакат олимларини туташти-риб турган кўпчиқар вази-фасини ўтамоқда. Бу кўпчиқар бино бўлганига икки минг йилдан ошди ва у ҳеч қачон нураш ни-малигини бемилди.

Тожилий РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАЪНАВИЯТ — ИЖТИМОИЙ ЭҲТИЁЖ

«Мулоқот» журнали мустақиллигимиз арафасида, тўғрироғи, вата-нимиз истиқлолидан даракли сифатида дунёга келди. Журнал дастлабки қадамлариданок, фақат халқимиз манфаатларига хизмат қилишни, миллий руҳдаги журнал бўлишни мақсад қилиб қўйган эди.

«Мулоқот» журнали мустақиллигимиз арафасида, тўғрироғи, вата-нимиз истиқлолидан даракли сифатида дунёга келди. Журнал дастлабки қадамлариданок, фақат халқимиз манфаатларига хизмат қилишни, миллий руҳдаги журнал бўлишни мақсад қилиб қўйган эди.

Танишасиз. Ер кўзга юборилган 124 минг пайтағамбар орасида Ҳақ дарҳақида энг буюк мартабага эриш-ганлар 24тадир. Шундан 4 таси: Олам Сафийуллоҳ, Нур Набиуллоҳ, Иброҳим Халидуллоҳ ва Муҳаммад Расулуллоҳ — энг буюк мартабага туралар. Чунки улар буюк пайтағамбарларга нисбатан Ер юзи халқларини ҳидоятга бошлашда жуда катта хизмат қилганлар. «Мулоқот»нинг келгуси йилги сонларида шулар ҳақида тадқиқотлар бери-лади. Журнал ўз саҳифаларида яна Шайх Карроби Шоши, Шайх Зай-ниддин, Шайх Хованди Тақор, Жа-лолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Шамс Табарий каби тарикат ва ам-рият шарҳларини ҳақиқат ва ам-рият ҳақида асарлар тақдим этилди. Бу маънавий дурдоналарни бугунги жа-миғимиз ҳақида олимларни ҳўл ва буюккор меҳнатга, аҳдоқий ка-молатга чиқариш билан қиммат-лиқдир.

Журналимиз сўнгги сонининг яшн-яшил шеър ва ҳикоятлари, ба-дний наҳзалари ҳам ўрин олади. Шунга айтиш керакки, «Мулоқот»-нинг ҳам ўз мухлисари бор. Янги йилдаги чиқадиган сонларининг тавоний жаҳатдан ҳам, бадний жаҳатдан ҳам барқарор қилиш учун таҳририятимиз бор куч-имкониятла-рини сарфлар этаклар. Бизнинг тилишимиз «Мулоқот» ҳар бир хона-донга энг, мўлдатли, ҳур ва шод-лик олиб кирсин, азиз инсонлар ман-фаатларига хизмат қилсин.

Барот БОЙҚИЛОВ, «Мулоқот» журнали бош муҳаррири.

КУТУБХОНАЛАРДА ТАНЛОВ

Соҳибқирон бобомиз таваллудини 660 йил-лига бағишлаб Қашқа-дарё вилоятининг кутуб-хоналари ҳодимлари ўрта-сида «Бодий асарларда Амир Темури сиймоси энг-зунда кўрик-танлов ўтказилди.

Танлов шартларига кўра, ул еттига шаҳар ва туман, учта вилоят кутубхонасида турли ма-зуларда йиғирма марта китобхоналар конферен-циялари бўлиб ўтди. Улар-да беш миңдан ортиқ китобхоналар иштирок этишди.

Танловда Қасби тумани, Шаҳрисабз шаҳри ва Қашғар тумани марказий кутубхоналари жамо-алари соғирдор бўлишди.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НУКУСНИНГ ЯШИЛ ҚАЛҚОНИ

Қорақалпоғистон пой-тахтини дарҳазорлар ва усимликлар ҳалқаси бил-лан урани лойиҳаси амал-га оширилмоқда. Мақсуд йирик дастурнинг даст-лабки босқичлари учун Қорақалпоғистон ҳўкумати ва БМТ тизими орқали маблаг ажратил-ди.

Нукус шаҳри атрофи-даги 17 чакқирмак ярим халқани куқаламлашти-риш бораида 500 гек-тар майдонга ҳар хил да-рахтлар ва кўп йиллик усимликлар ўтказилмоқ-да. Ҳақдан ўтказилган дар-ахтлар сон 600 миңг до-надан кўпроқ бўлади. Сув насослари ўрнатилди ва усимликларни суғориши учун сув кўзуллари тор-тилди.

Шу кунга қадар да-стурнинг асосий нуқта-чиси бўлган «Оролбўй» республика бирламаси ташкилотлари томони-дан 6 километрга яқин сув кўзуллари тортиб, 25 гектардан ортиқ май-донга тут, жейда, қор-то, оқтеррак каби да-рахт кўчатлари ўтқа-зилди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭНДИ ҲАР ОЙДА БЎЛАДИ

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими Меҳнат биржаси билан ҳамкорликда «Бўш иш жойлари ва вақант ўрин-лар» кўрсатмасини таш-кил этди.

Шаҳардаги Ибн Сино номи маданият саройи-да ўтказилган бир та-дбирда иш сўраб мурожа-ат этган ёшлардан 84 нафарининг талаби қон-дирилди. Улар ўз мута-хассисликлари бўйича иш билан таъминландилар.

Бундай кўрсатма ҳар ойда таққила этиш мўлжалланмоқда. Маннон ОТАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for 'UZSOOVBETAMINOT' (УЗСООВЕТАМИНОТ) featuring a list of 10 products and a truck illustration.

Large advertisement for cable services in Uzbekistan, featuring a map and technical specifications for cable lines between cities like Tashkent, Bukhara, and Samarkand.

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' (Halq So'zi) newspaper, including address, phone numbers, and publication details.